

Сиз - нусрат берилган, ҳақни топган, фатҳ берилган умматсиз



Сиз - нусрат берилган, ҳақни топган, фатҳ берилган умматсиз

Мўминларга эслатма

12:33 / 11 ноябрь 556

هُنَّعُ هَلَلَا يَضَرَّ نَابُوثَ نَع
هُيَلَعُ هَلَلَا يَلَّصَّ يَبُّنَلَا نَع
لَا زَاتُ آلَ « لَأَقَمَّ لَسَو
قَحْلَا يَلَعُ يَتَّمُّ أْنَمُ هَفِيَّاط
نَمُّ هُرُّضَيَّ آلَ نِيْرَهَاط
رَمَّ أَيُّ تَحُّ ، مُهَلُّذَخِي
وَبَّأُوِّي ذِمُّرَّتْ لَأُ هَاوَر . « هَلَلَا

مِلْسُ مَوْ دُوَادٍ

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Умматимдан бир тоифа ҳақда устун бўлган ҳолларида бардавом бўладилар. Уларни хорламоқчи бўлганлар Аллоҳнинг амри келгунча уларга зарар етказа олмаслар»**, дедилар».

Термизий, Абу Довуд ва Муслим ривоят қилганлар.

Шарҳ: Дунё қанча ўзгарса ҳам, одамлар қанча бузилса ҳам, барибир мусулмон умматидан бир тоифа Қиёмат қойим бўлгунича ҳақда собит туради. Уларга бошқаларнинг душманлик қилиши, уларни хорлаши ёки бошқа чора-тадбирлари зарар етказа олмайди. Ўшалардан бири Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу бўладилар.

يَسِيْعُ لَزْنَيْ فِ «مِلْسُ مَوْ دَا
هَيْلَعُ هَلَلِ اِيْلَصَ مَيْرَمُ نُبَا
مُهْرِي مَأَلُوقِي فِ ، مِلْسَو
، اَلُ : لُوقِي فِ ، اِنَلِ لَصَلَاغَت
، اَرْمُ اِضْعَبُ اِيْلَعُ مَكْضَعَبُ نَا
» مَأَلِ اِهْدَه هَلَلِ اَمْرِكَت

Имом Муслим:

«Ийсо ибн Марям соллаллоҳу алайҳи васаллам тушганида уларнинг амири: **«Келинг, бизга намоз ўқиб беринг»**, дейди. Шунда у зот: **«Йўқ.**

Сизлар бир-бирингизга амирсизлар. Бу - Аллоҳнинг ушбу умматга қилган икромидир», дейди», деб зиёда қилган.

Шарҳ: Мусулмонларнинг ўша пайтдаги амири Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу бўладилар. Охирзамонда Ийсо алайҳиссалом тушсалар ҳам, ўзларига топширилган ишларни қилсалар ҳам, мусулмонларга намоз ўқиб бериш учун имом бўлмас эканлар, чунки ўша вақтда ҳам мусулмонларнинг орасидан бу ишга салоҳиятлилар бўлар экан.

هُنَّ عُلَّالٌ يَضُرُّهُ لَلِإِدْبَعُ نَع
هَيْلَعُ هَلَلٌ لَّصِيْبُنَّ لِنَع
نُورُوصُنْمُ كُنَّا «: لَأَقَمَّ لَسَو
مُكَلُّ حُوتُ فَمَو، نُوْبِي صُمُو
مُكُنْمَ كَلْ ذَكَرْدَأُ نَمَف
رُمُ أَيُّلَوَ هَلَلِ أَقْتَيْلَف
نَع هَنْيَلَوُ فُورَعُمُ لَاب
يَلَعَبَدَّكَ نَمَو، رَكُنْمُ لَأ
نَمُ هَدَعُقَمُ أُوْبَتَيْلَف أَدْمَعَتُم
رَّأَنَلَأ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Сизлар - нусрат берилган, ҳақни топган, фатҳ берилган умматсиз. Сизлардан ким ўша кунга етишса, амри маъруф, наҳйи мункар қилсин. Ким менга нисбатан қасддан ёлғон тўқиса, дўзахдаги жойига тайёрланаверсин».

Шарҳ: Муслмон уммати ичида ҳақда бардавом бўлган тоифага Аллоҳ таоло доимий равишда нусрат беради, уларнинг ишлари тўғри бўлади, ҳидоятдаги имомлар билан бирга бўлганлари учун Аллоҳ таоло уларга фатҳу нусрат ҳам беради. Охирзамонда ўша ҳолга етишган банда амри маъруф ва наҳйи мункар билан машғул бўлиши керак, аммо зинҳор-базинҳор Пайғамбар алайҳиссаломнинг номларидан ёлғон тўқиб гапирмаслиги керак.

هُلِّلَا يِضَرَ رَءِيْرُهُ يَبَا نَع
هُلِّلَا يِلَّصَّ يِبَّن لَانَع هُنَع
نَاك اذِا: لاق مَلَسَوِ هِيَلَع
مُكُ وَاي نَعَاوُ مُكُ رَاي خُ مُكُ وَاَرَمُ
ي رُوْشُ مُكُ رُوْمُ أُو، مُكُ عَاخ مُس
رِي خِ ضِرَّالْ اُرَهَ ظَف، مُكُ نِي ب
نَاك اذِاو، اِهِن طَبُ نَم مُكُ ل
مُكُ وَاي نَعَاوُ، مُكُ رَارِشُ مُكُ وَاَرَمُ
يَلِا مُكُ رُوْمُ أُو، مُكُ عَا ل خُب

ضُرَّأَلَا نَطَبَفْ، مُكِّيْءَاسِن أَمْهَآوَر. «أَهْرَهَظْ نَمْ مُكَلْ رِيْخ يِذْمُرْتَلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Яхшиларингиз амир бўлса, бойларингиз сахий бўлса, ишларингиз ўзаро машварат бўлса, сизлар учун ернинг усти унинг остидан яхшидир.**

Ёмонларингиз амир бўлса, бойларингиз бахил бўлса, ишларингиз хотинларингиз қўлига ўтса, сизлар учун ернинг ости унинг устидан яхшидир».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бундан мусулмон умматида яхши сифатларга эга бўлган кишиларнинг ишбоши бўлишига, бойларнинг сахий бўлишига, ишни машварат асосида олиб боришга аҳамият бериш зарурлиги келиб чиқади.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан